




# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан  
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 77 (9.115)

1998 йил

3 июль, жума

Сотувда эркин нархда

**БУГУНГИ КУН НАФАСИ**

МАМЛАКАТИМИЗДА

## Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари

**Тожикистон Республикаси кунлари тантанали очилганидан кейин азият меҳмонлар гуруҳи-гурсуларга бўлиниб Самарканд, Бухоро, Кашкадарё ва Хоразм вилоятларига йўл олдилар. Ушбу вилоятларда меҳнат-кашлар билан қизғин учрашувлар бўлаётганидан хабарингиз**

## ҚАРДОШЛИК ҚЎШИҚЛАРИ

**Бор. Лекин Тошкентда ҳам бир нафас бўлсин дўстлик талонлари, учрашувлари тингани йўқ.**

Қардош дийрдан ташриф буюрган, азият мукаррам меҳмонлар Тожикистон Миллий боғида бўлишди. Ҳазал мулкнинг султони ҳазрат Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гуллар қўйишди. Шунингдек боғ ҳудудида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини мароқ билан томоша қилдилар.

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий курғазмалар зали тасвирий санъат шайдолари билан гавжум бўлмоқда. Бу ерда очилган «Тожикистон тасвирий ва безакли — амалий санъати» курғазмасида намоиш этилаётган тожикистонлик мўйқалам усталари, ҳунармандлари, ҳайкалтарошлари яратган 300 дан зиёд асарлар ҳамшаҳарларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Айниқса, таниқли мусаввирлар, Сабзали Шарипов, Суҳроб Курбонов, Валимат Одинаев, Ян Маматқуллов сингари соҳиб мўйқаламларнинг суратлари ўзининг ёрқинлиги, сермазмунлиги билан барчани лол этмоқда.

Мусаввирлар сингари тожик ва ўзбек ёритган дарё» бадий ва мультфильмлари ўзбек томошабинлари муҳаббат билан томоша қилмоқдалар. Айниқса, таниқли кинорежиссёр Тохир Собиров, Тожикистон халқ артисти Сайрам Исоевалар билан бўлган учрашувлар қизғин ўтди.

Республика байналмилал миллий-маданий марказида эса икки халқ адабиёт, санъат, маданият ар-бобларининг учрашуви бўлди. Учрашувда иштирок этган Республи-

## Икки эл фарзандиман

— Ўзбекистонлик санъат ахллари билан жуда кўп вақтлардан бери танишмиш. Олмахон Хайитова, «Шошмаком» ансамбли аъзолари билан тез-тез учрашиб тураемиз. Мумтоз қўшиқларни куйлаш жони-дилим. Шу сабаб Ўзбекистон халқ артисти Муножаб Йўлчиева билан суҳбатимиз икки халқнинг классик мероси ҳақида бўлади. Икки тилда қўшиқ куйлаган санъаткорларни



Қардош тожикистонлик меҳмонлар шахримиз билан танишмоқдалар. Рашид Галиев олган сурат.

## ЎЗ УЙИМИЗГА КЕЛГАНДЕК

— Ўзбек ва тожик халқларининг дўстлиги юзлаб йиллар билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонга ҳудди ўз уйимизга келгандек меҳридорлик билан қадам ранжида қилидик. Ўзбек ва тожик кино усталарининг бир-бири билан алоқлари бошланганга жуда кўп вақт бўлди. Бизнинг биронта таниқли актёримиз йўқки у «Ўзбек-фильм» киностудиясида суратга тушмаган бўлсин! Ҳудди шундай «Тожики-фильм» киностудияси ҳам ўзбек биродарларимизнинг ҳар доимги меҳнат майдонига айланиб қолган. Шунинг учун бир-биримизни жуда қадрлаймиз.

## ҲАМ ДЎСТМАН, ҲАМ ОШИҚМАН

— IX асрда ҳазрат Рудакий дебдилар: «Жаҳоннинг шодлиги йўғиса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлмас устун». XIV асрда эса ҳазрат Навоий дебдилар: «Эрсан дийдорини кўрмоқ эрдан ошқ бўл, Агар бу қўлингдан келмаса, ошқлар атрофида бўл». Мен ўзбек биродарларимиз ҳам дўстман, ҳам ошқман. 1966 йил эъланлари иккала халқнинг едидан чикмаса керак. Янги Тошкентни тиклашда тожикистонлик қурувчилар ҳам жонбозлик кўрсатдилар. Улардан бири Мирзамаҳмуд Бердимуродов «Тошкент қурувчиси»га нишона

## Тошкент шаҳар ҳокимлигида

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАКАСИННИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

**Тошкент шаҳар аҳолисининг мева-сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 июндаги 293-ф сонли Фармойишини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги «1998 йилнинг 1 июлидан 30 сентябргача Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркасини ўтказиш ҳақида» қарор қабул қилди.**

Ушбу қарорга мувофиқ туман ҳокимликлари, «Тошбозортайёрлов-савдо» ҳиссдорлик жамияти республика вилоятларидан келтирилиб сотиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини назоратга олишлари, вилоятлардан келган ярмарка қатнашчиларини кутиб олиб, меҳмонхоналарга жойлаштиришлари керак. Бозор ҳиссдорлик жамияти раҳбарлари билан биргаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш учун бозорлардан жой ва керакли

## ПОЙТАҲТНИНГ БИР КУНИ

Иқтисодий • Ижтимоий соҳа • Маданият

мосламалар (тош-тароз, пештахталар) билан етарли миқдорда таъминлаш, республика вилоятлари савдо ярмаркалари шаҳарнинг қўрсатилган жойларида ҳамда туманнинг аҳоли гавжум маҳаллаларида ўтказилишини таъминлашлари даркор.

Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш Департаменти зиммасига деҳқон бозори ҳиссдорлик жамиятлари ва шохобчаларида вилоятлардан келтириб сотиладиган маҳсулотлар ҳажми ҳақида шаҳар ҳокимлигига ҳар ўн кунда ёзма ахборот бериб бориш, ярмарка ўтказиш жойларида иссиқ овқат, чанқовбосди ичимликлар ва бошқа маҳсулотларнинг кўргазмалари сайёр савдосини ташкил этиш топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ички ишлар бош бошқармаси зиммасига ярмарка ўтказиладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш, қўриқлаш ва автотранспорт қатновини назорат қилишни ташкил этиш топширилди.

«Тошкентнефтьмаҳсулот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ярмарка ўтказишда қатнашаётган автомобиллари ёқилғи билан таъминлашлари керак.

Тошкент шаҳар давлат ветеринария хизмати бошқармаси, Тошкент шаҳар Бош давлат санитария-эпидемиология бош бошқармаси келтирилган гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ветеринария лаборатория кўригидан ўтказишларини таъминлашлари ва савдо ярмаркалари ҳудудларининг тозаллигини доимий назоратга олишлари даркор.

«Тошкент оқшом» ва «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти зиммасига ярмарка фаолиятининг бориши ҳақида ахборотлар бериб бориш топширилди.

## Сайдали МАЪМУР, тожик шоири. ЎЗБЕГУ ТОЖИК

Бир ерда барқарордир ўзбегу тожик, Бир шоҳда қўш аюлар ўзбегу тожик.

Бир боғ аро етлаган найваста гулким, Парвардан баҳордир ўзбегу тожик.

Қиёфа — бир, порак — бир, бир таво бир жон, Меҳри қўйича бордир ўзбегу тожик.

Тоғлару қўлару ичра Сиргу Зарифшон — Мисоли заринсодир ўзбегу тожик.

Жомий, Навоий бирла танийди дуйи, Хешу тавору ёрдуру ўзбегу тожик.

Истиқболи йўлида жадала юришди, Бир-биринга мадордир ўзбегу тожик.

Жон қўйича деймиз, аммо жондан азияткор, Ҳар соҳада ҳамкордир ўзбегу тожик.

Ҳудуди ўзга, бирдир руҳи, шури, Ҳам дилбару дилдордир ўзбегу тожик.

Тоғларини ажратиб бўлмади асло, Помир ила Ҳисордир ўзбегу тожик.

Улмас ЖАМОЛ таржимаси.



## Журналистлар сайли

## УЛУГБЕК БОҒИГА МАРҲАМАТ!

**ЭРТАГА**  
пойтахтимиздаги Гўзал ва сўлим Гўшлардан бири бўлган Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган яна бир ажойиб тадбир ўтказилади. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларининг демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ўзининг яхши анъанасига содиқ қолиб, журналистлар сайлини ўтказишда, Сўлим боғ кўлида эрталабдан ёқилми қўй ва қўшиқлар

лоқотларда бўлидилар. қалам ахлларида Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларининг демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимининг, қоний ташкилотларининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилади. Журналистлар сайлининг ҳар томонлама мароқли ва файзли бўлиши аниқ режалари ишлаб чиқилган.

Шундай қилиб, қадри дўстлар, эртага Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғига, журналистлар сайлига марҳамат!

## «РИГОЛЕТТО» — САҲНАДА

Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат академик Катта театрида Жузеппе Вердининг «Риголетто» операсининг премьераси бўлиб ўтди. Қизғин шундаки, ушбу машҳур операни шахримиз саҳнасида италиялик режиссёр Себастьяно Мария Сальвадо сахналаштирди. Янги асар жамоатчилик томонидан илқ кўтиб олинди.

— Тошкентда ушбу саҳна асарини устидаги ишларим энгил кечди. Театр жамоаси мени ҳар

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов Исроил давлатининг Саноат ва савдо вазирлиги Натан Шаранскийни қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

● Исроил давлати Саноат ва савдо вазирлиги Натан Шаранский раҳбарлигидаги делегация аъзолари Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди, Ташқи ишлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Энергетика ва электрлаштириш вазирликларида ҳам бўлиб, музокаралар ўтказди.

● Ўзбекистонда Тожикистон кунларининг очилиш маросимида қатнашган Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов Тошкентдан жўнаб кетди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясидаги нутқи юзасидан Олий Мажлис қабул қилган қароридан белгиланган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш мақсадида махсус комиссия тузган эди. Унинг таркибидagi ишчи гуруҳларидан бири — жамиятни янада демократлаштириш шароитида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалалари билан шуғулланиши белгиланади. Ўзбекистон Республикаси парламенти биносида бўлиб ўтган комиссиянинг навбатдаги йиғилишида матбуотимиз томонидан халқ этилиши лозим бўлган қатор ҳаётий муҳим муаммолар ҳақида, уларни ечиш йўллари ҳусусида батафсил фикр юритилди. Бугунги «Халқ сўзи» газетасида ана шу йиғилиш ҳақидаги батафсил ҳисобот эълон қилинган.

● Бухоро вилояти деҳқонлари давлатга галла топшириш режасини бажардилар. Давлат ҳирмонларига 114 минг 500 тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди.

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби қабул қилинганлигига 6 йил тўлди.

● Тошкент вилоятининг Қибрай туманида Ўзбекистон — Исроил — АҚШ қўшма лойиҳаси асосида барпо этилган сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган завод ишга туширилди. Мазкур завод бир кеча-кундузда 6 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга. Унда беш ил маҳсулот ишлаб чиқарилади.

● «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ўзбекистонлик ва исроиллик тadbirkorларнинг бизнес-семинари бўлиб ўтди.

● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Тошкент — Дакка — Тошкент, Тошкент — Париж йўналишларида қатновларни бажара бошлади.

● Халқаро «Экосан» жамғармасида экология мав-

зуида ёзидиган журналистларга мукофотлар топширилди.

● Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва Россия Федерацияси транспорт вазирлигининг Федерал авиация хизмати ўртасида ўзаро ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон фуқаролари учун «ЎЗДЭУавто» ёрлиги туширилган автомобилларнинг нархи арзонлаштирилди. «Нексия»нинг нархи 220 минг сўмга, «Дамас»нинг нархи 130 минг сўмга, «Тико»нинг нархи эса 90 минг сўмга арзонлаштирилди.

● Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидagi Республика рассомлик коллежи битирувчиларидан бир гуруҳи диплом ишларини Ўзбекистон Давлат санъат музейида ёқлади.

## ЖАҲОНДА

● Бугун Алматида беш давлат аъзолари — ҳарбий соҳада ишончини мустаҳкамлаш ва умумий чегаралар ҳудудида қуролли қучларни қисқартириш тўғрисидаги Шанхай ва Москва битимлари иштирокчиларининг учрашуви очилди.

● Бугун Руминия Президенти И. Константинескунинг Грузияга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

● Бугун АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Хитойга қилган 9 кунлик расмий ташрифи якунланди.

● 1 июлдан бошлаб Европа Иттифоқи билан Молдованинг шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим кучга кирди.

● Франция Президенти Жак Ширак Намибия, Жанубий Африка Республикаси, Мозамбик ва Анголага ташриф буюрди. Ушбу ташрифдан кўзда тутилган мақсад Франциянинг Жанубий Африка минтақасидаги мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдир.

● Исроил Бош вазир Беньямин Нетаньяхо мамлакатда умумхалқ сайловлари илгари режалаштирилган муддатда, яъни 2000 йилда ўтказилади, деди. Исроил Бош вазир мамлакат Президенти Эзер Вейцманнинг яқин кўнларда муддатидан илгари умумхалқ сайловлари ўтказишга қилган даъватига ана шу йўсунда жавоб берди.

● Франциянинг «Альянс Франсез» маданий марказида тожиклик ёш мусаввир Алишер Эргашевнинг биринчи шахсий кўргазмаси очилди.

● Тошкентдаги В. Сивец номи маданият ва техника саройи «Дўстлик» ижодий уюшмасининг Татаристонга қилган гастроллари ниҳоясига етди.

● Собик иттифокнинг собиқ бош котиби Леонид Брежневнинг қизи Галина Брежнева 69 ёшида вафот этди.

● 10 июлдан 25 июлгача АҚШ ва Европанин 11 мамлакатда Клайпеда яқинида биргаликдаги ҳарбий машқларни ўтказишди.

● Бугун Франция футбол майдонларида XVI жаҳон чемпионати ўйинларининг чорак финал мусобақалари бошланади. Унда Бразилия — Дания, Италия — Франция терма командалари яшил майдонга тушадилар.







**«Дўстлик» сўзи элда мукаддас саналиб, мўъжизалар калити, омад, бахт-саодат омили деб аталади. Ҳақиқатан ҳам, кўйиқдек жарангдор, осмондек мусаффо, олмосдек жилоли, пўлатдек мустаҳкам, кўёш нуридек қайноқ ва ёқимли, меҳрибондек ҳаётбахш бу сўзнинг замирида олам-олам маъно ётади. Инсоннинг азал-азалдан ўзига дўст излаши, қувонч ва ташвишларини у билан баҳам кўришга интилишининг бойси ҳам шунда.**

Дўстлик ҳақида ота-боболаримиз жуда кўп ҳикматли сўзлар, мақоллар, масаллар айтиб ўтишган. «Эй азиз, билгинки, дўст дўстнинг ёнида бўлса ҳам улар бир-бирларига нисбатан ҳеч ўзгармайдилар, бир-бирининг шодлигига ҳамдард бўлади, ғам келса, бирга қуйнади, дўстига яхшилиқ қилса уни унутмайди. Дўст унга яхшилиқ қилса ҳеч қачон унутмайди. Агар дўстда хато содир бўлса кечиради, дўстига яхшилиқ қилса у қайтарармикан деб қўзини тикмайди.

Ёмон улфат темирчига ўхшайди, унинг олови сизни куйдирмаса-да, бироқ қора тутун сизга таъсир қилаверади. Шунинг учун ёмон улфатдан қочинг! Уларнинг дўстлиги илон захридан ҳам ёмонроқдир. Айтишларича, Абу Муҳаммад ибн ал-Хусайн ўз отаси ҳақида ҳикоя қилиб, қуйидагиларни айтган:

— Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт суҳбат қурма!» де-

Ибраторна

## САДОҚАТЛИ ДЎСТНИ ҚИДИРИШ

ЭНГ УЗОҚ САФАРДИР

Фақат молпараст кишилар, бойлик билан барча нарсани ўлчайдиган кишиларгина шундай ҳаёлда юриши мумкин», дейди аллома Абулбарокот Қодирий. Яна улар айтдики, «Ақл соҳиб бўлган дўст араз туфайли ўз дўстини ташлаб юбормайди, имкони борича аввалги дўстлигини қайта тиклашга ҳаракат қилади. Кимки айбдор бўлса, айбдор томон аввал ўз сўраса ва айби-га иқдор бўлса аввалги дўстлик яна қайта тикланади. Аммо ҳар икки томон бир-бирига ҳўрайиб «сен ўз сўра» қабилида юрса, иттифоқлик ниёқ билан, муҳаббат эса ҳақиқий адоват билан алмашиши мукаррардир».

Дунёда бир хил дўстлар борки ҳамма нарсани мол-дунё билан ўлчаши, кимнинг пули кўп, қийими чироили, мансаби баланд бўлса, у билан дўст тутинишди. Кейинчалик, унинг обрў-эътибори йўқолиб, мансабидан айрилганида, бошига оғир кулфат тушганида уни маъна шундай «дўст-лар» ташлаб кетишди. Айтишадик, «Чин дўст бошига иш тушганда синалади» деб. Бундай воқеаларни кўча-қўйда, шифохоналарда, ҳаётнинг турли вазиятларида, мактабларда ҳам учратиш мумкин.

Дунёда энг яқин дўстни топиш жуда ҳам қийиндир. Бир ҳақимдан сўрадилар: «Кандай сафар энг узоқ сафар?» Жавоб берди: «Садоқатли дўстни қидириш сафари!». Байт: **Қидирган нарсани топиш мумкин, бироқ содиқ дўстни топиш мумкин эмас!** Улғў кишилардан бири шундай дейди: — Яхши дўст аттирфурушга ўхшайди, у ўз аттирдан сизга бермаса-да, сиз унинг аттирлари хидидан баҳраманд бўлаверасиз.

ди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим.

Дадам деди: «Биринчиси — фиску-фужур ахли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир лўқма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шунки, сендан доим бир нарсга тама-сида бўлишди, агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатади».

Мен дадамдан иккинчи тоифа қандай бўлишини сўрадим. Дадам деди:

— Иккинчиси баҳил ва ҳасис кишилар. Агар сен бирор нарсга муҳтож бўлиб қолсанг улар ҳеч қачон сенга бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса душманнинг айланадилар. Мен бунини ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўп-лигида дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса ғанимга айланишди, таъна тошини отишди, одам қаторига қўшмай қўйишди!

Уларнинг учинчи тоифаси ёлғончидир. Кимда бу хислат борлигини сезсанг узоқроқ юр. Улар сени ўз қийнлариндан айиришади.

Тўртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат кишига аста-секин таъсир эта бошлайди, тўғри йўлдан оздириб, одамнинг ниятини бузади.

Бешинчи тоифа эса лақма, лаванд ҳамда дилида меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни малъун деб аташ муносибдир! Дунёда ҳақиқий дўст топиш мушкулдир. Дўст танлаётганингизда юқоридаги ҳикматли сўзлар йўлни юлдуз бўлсин!

Махфуза ТОИРОВА.



Бугунги Тошкент. Навоий кўчасида.

Рашид Галиев олган сурат.

Газетанинг 22 апрель сониди эълон қилинган «Аёл кўлидаги қадаҳ» мақоласи кўп-кўп газетхонларимизни бефарқ қолдирмаганини тахририятимизга келайтган мактублар ҳамда кўнгиноқлардан ҳам билиб олиш мумкин. Мана бугун улардан бир нечтасини эътиборингизга ҳавола этар эканмиз, кўпчиликнинг мақолада кўтарилган мавзуга бефарқ эмаслигини эътиборингизга олинг.

### ОҚИБАТИ ЁМОН

Альфия АБДУЛЛАЕВА,  
Ақмал Икромов тумани:

— Ичкилик туфайли кўп-кўп оилаларда ажралишлар юз бераётгани, жиноятлар содир этилаётгани ҳақиқат. Ана шундай бир пайтда эркак

### ЭНГ ҲУНУК ОДАТ

Восид ОБИДЖОНОВ,  
Меҳнат фахрийси:

— «Аёл кўлидаги қадаҳ» мақоласини ўқидим унда шохиди бўлган бир воқеа ёдимга тушиб кетди. Бекатдан икки ёшгина аёл трамвайга чиқибди, улардан бирининг ёнида 5-6 ёшлар қачмасидаги қизалоғи ҳам бор. Улар шунақанги ҳаркати сўзлар билан кимнидир қарғарди. Қиз бола эса онасига жавдираб тикилиб турарди.

— Олифталгини қара, — деди улардан бири, — хотин-қизлар кенгашининг раиси бўлсанг ўзинга, «Аёлларга ички ярашмайди» дейдим.

— Ичмас сенкини ичмасан, дастурхонга қўйилгандан кейин ҳурсандчилик қилиш керакда, — деди иккинчиси ҳам зарда билан.

Улар шундай гапларни айтди, тўғри айтди, да ҳеч ким йўқдай, оғизларидан боти кириб, шоди чикарди. Бу аёлларни шу қўйга солган, уларнинг юзларидаги ширма ҳаё, сўзларидаги ибони ўйлаган, албатта, ичкилик.

Мен мақоладаги фикрларга қўшилган ҳолда аёлларимизга, қизларимизга бир маслаҳат бермоқчиман: ўзимизнинг миллийлигимизни, шармимизни уримизнинг кўнчилиги кейин-кейин қачон йўлга кириб кетишиди. Унинг устига гўлдай оилалар ҳазон бўлиб, фарзандларнинг гоҳ ота, гоҳида она меҳрибон зор юрганлари-чи...

Менимча, аёлларга ичкилик эмас, унинг бахтли оиласи, фарзандлари қамолоти завқ бахш этиши керак. Қўйга қадаҳ олган аёллар аввало оиласини, фарзандларини, қизлар эса келгуси ҳаётини кўз олдида бир келтириб қўрсалар, албатта фойдали бўларди.

### ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВ

Ҳамза тумани Ички ишлар бўлимида ҳам оммавий футболни ривожлантиришга қатта эътибор берилмоқда.

Бўлим футбол жамоаси ташкил этилган бўлиб, тумандаги турли жамоалар билан бир неча бор ўртоқлик учрашувларини ўтказишга эришди.

Яқинда туман ички ишлар бўлими жамоаси аjoyиб учра-

шув ўтказди. Бу гал уларнинг рақиблари сифатида собиқ пахтакорчилар майдонга тушибди. Низоим Нортониев, Вячеслав Соколов, Фарход Магомедов, Дилмурод Иброҳимов, Олим Оқиллов каби бир пайтлари республика

шарафини ҳимоя қилган атоқли ўйинчилар ўз чироили ўйинлари билан яна муҳлисларни ҳушнуд этишди.

Қизиқарли ва ҳужумкор рақиб ўтган ўйинда «Пахтакор» фахрийлар жамоаси 3:2 ҳисобида ғолиб чиқди.

Учрашувнинг энг яхши ўйинчилари деб топилган футболчиларга Ҳамза тумани ҳокими ва бошқа ҳокимлар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар топширилди.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.



**«Хайрли ишга қўл урмоқлик савоб» дейдилар. Зеро улғў инсонларни мадҳ этмоқ — уларнинг руҳларини шод этмоқликдир. Истеъдодли шоир ва журналист Темур Убайдулло ҳам миллиятимиз гурури буюк Амир Темур ҳақида «Сохибқироннома» номили шеърини кимса билан ўз муҳлисларини қувонтирди. Китоб маъзида шоирнинг бу мавзуга узоқ йиллардан бери мурожаат этганили, аммо бу орзу-нияти фақат истиқлолимиз туфайли амалга ошганлиги яқин сезилиб турибди.**

Шоир ўз асарини яратишда ўзига хос услубни танлаб, 18 қисмга бўлинган достонда нафақат нахоткор бобомиз, балки ўша даврдаги муҳит, унинг қарамонлари, тарихий шахсларни бадийий бўёқларда ифода этган.

Шеърини мажмуанинг муқаддимаси «Отам руҳи билан мулоқот» деб номланади. Муаллиф бу дебобчада шарқона одоб билан жаҳонгир ҳақида қалам юритишга падаридан изн сўрайди ва:

**Илк бор сиз айтдингиз табарук отин: «Тангри қайтиб берса умрим барбодин, Тирлиб келасини Темур Қўрғон, Тир қилиб тутарим ўшундай зотин».**

дея ота тилидан унинг армонларини баён этади. Шеър отанинг ўлигига насихати билан ривожлана бориб таъсир кўчани юксалтиради, асар қарамонига нисбатан масъулиятни янада оширади.

Шундан сўнг бевосита асар қарамонига бағишланган «Амир Темурга бағишлов», «Темур нидоси қиссаси», «Юзма-юз дийдор қиссаси» бобларида сохибқирон суверитетининг кескин чизилари тортила бошлайди. Муаллиф «Юзма-юз дийдор қиссаси»да Амир Темур билан бўлган мулоқотини моҳирона тасвир этишга эришган. Бунда шоир суҳбатдошига очикдан-очик у ҳақдаги биланларини изҳор этса,

у навбатда Амир Темур ҳам ўзи, замони, буюк мақсадларини чуқур ҳиссиёт, алам ва изтироб билан тўқиб солади ва неча асрлардан буён у ҳақда аждодларнинг чалқаш фикрлари

дан изтироб чекади:

**Тарихга бўлмағай қорани чаплаб, Тарихга завола йўқ, тарих ўласидир. Ҳақиқатни бўлмас мутлақо топтаб, Тарихдан тонганининг бахти қуламасдир.**

Шунингдек манзумада асар қарамони маликаси — Бибиҳоним, пиллари Шайх Зайниддин ва Шайх Тайбодийлар сиймоси тарихий далилларга суянган ҳолда ба-



бўёқлар билан чизади, Амир Темур ҳазратлари тарихимизда, тақдиримизда қандай роль ўйнаганини оригинал поэтик мушоҳадалар билан ифода-лайди.

Ушбу асар шоир Темур Убайдулло ижодида муҳим бир босқичдир. Шунини қониқиб билан қайд этиш лозимки, у «Расулulloхнома», «Ясавийнома», «Нақшбанднома», «Мусофирнома», «Мунажжиднома» сингари достонлар муаллифидир. «Сохибқироннома» эса буюк аждодларимиз тўғрисидаги ўзига хос туркум достонларнинг бири сифатида шеърини муҳлисларига яхши тўқадир. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни «тандир»дан энди узилган маъмур достон ихлосмандлар дилидан муносиб жой олиши шак-шубҳасиздир.

Шукур ДАДАШ.

Бош муҳаррир уринбосари  
Солиҳ ЁҚУБОВ

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### «Олтин калит» буюм лотереяси биринчи тиражи ютуқларининг расмий жадвали

Тошкент шаҳар, 1998 йил 30 июнь

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таъсис этилган «Олтин калит» лотереяси биринчи тиражида умумий миқдори 4215780 сўмлик ютуқлар ўйналиб, қуйидаги лотерея билетларининг эгалари замонавий автомобил соҳиблари бўлдилар:

| Ютуқ чиққан<br>билет серияси | Ютуқ чиққан билет<br>тартиб рақами | Ютуқ номи           | Ютуқнинг<br>қиймати (сўм) |
|------------------------------|------------------------------------|---------------------|---------------------------|
| 028                          | 000198                             | «ТИКО» автомобили   | 564990                    |
| 069                          | 000127                             | «ТИКО» автомобили   | 564990                    |
| 075                          | 000191                             | «НЕКСИЯ» автомобили | 1147120                   |
| 082                          | 000013                             | «ТИКО» автомобили   | 564990                    |
| 087                          | 000117                             | «ТИКО» автомобили   | 564990                    |
| 089                          | 000033                             | «ДАМАС» автомобили  | 808700                    |

Ютуқ чиққан лотерея билетлари ушбу тираж ўтказилган санадан бошлаб тўрт ой муддат мобайнида Тошкент шаҳар, Виктор Малиясов кўчаси, 3-уй манзили бўйича Лотереялар ташкил қилиш бошқармаси томонидан тегишли ютуқларни тўлашга қабул қилинади.

Ушбу тиражда ютуқ чиқмаган лотерея билетларини ташлаб юборишга шўшилманг ва асло руҳингизни туширманг, чунки «Олтин калит» лотереясининг беш тиражидан сўнг, қўшимча таразда ўтказиладиган «Омад тиражи»да барча ютуқсиз билетлар қатнашади ва Сиз қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишингиз имконияти чексиздир. Биринчи тираждан сўнг «Омад тиражи»нинг ютуқ фонди 784220 сўмни ташкил этади.

Тираж ҳайъати раиси А. М. РАСУЛОВ.  
Тираж ҳайъатининг масъул котиби Р. Р. КАРИМОВ.

### Шаҳар транспорти тасарруфи бўйича харажатлар, йўловчилар ташиш таннархининг ошиши ва «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмасининг 1998 йил 29.06 даги 219-сонли буйруғига биноан 1998 йил 1 июлдан шаҳар транспортда юриш учун ойлик йўл чипталарининг қуйидаги нархи ўрнатилди:

| Тури                                                                         | Нархи    |
|------------------------------------------------------------------------------|----------|
| «М» — барча аҳоли учун<br>(метро, автобус, трамвай, троллейбус)              | 2400 сўм |
| «А» — барча аҳоли учун<br>(автобус, трамвай, троллейбус)                     | 1500 сўм |
| «А» — корхона ва ташкилотлар учун<br>(автобус, трамвай, троллейбус)          | 1800 сўм |
| «Н» — пенсионерлар ва ногиронлар учун<br>(автобус, трамвай, троллейбус)      | 705 сўм  |
| «Т» — институт ва техникум талабалари<br>учун (автобус, трамвай, троллейбус) | 495 сўм  |
| «О» — билим юрти ва мактаб ўқувчилари<br>учун (автобус, трамвай, троллейбус) | 405 сўм  |
| «АВТОБУС» — барча аҳоли учун<br>(фақат автобус)                              | 1200 сўм |

### АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

1998 йилнинг 1 июлидан бошлаб  
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ  
ЯНГИ ТАРИФИ ЎРНАТИЛАДИ

Шунга мувофиқ аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир 1 квт. соат электрэнергия нархи 3 сўмни, ошхоналари электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 1 сўм 50 тийинни ташкил этади.

Электр энергияси ҳақини тўлаш бўйича ўрнатилган барча имтиёзлар сақланиб қолинади.

1998 йилнинг 20 июлигача

сиз сарф қилинган электр энергия ҳақини аввалги эски тариф бўйича — 1 квт. соатига 2 сўмдан тўлаш ҳуқуқига эгасиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ.

● Назарбекда, Фишт заводи ҳамда, икки хонали уй, ҳаммом, ошхона, газ, водопровод, қовузи бўлган 7 сотихли участка сотиладиган (Киёрай кўчасида) «Б-1» мавзесидаги уйга алмаштирилади. Соат 18 дан кейин 42-71-82 телефонига қўн-пироқ қилиш мумкин.

● СоюзНИИ атрофидаги (Киёрай кўчаси) дала ҳоли участкасида иш-лайдиган боғбон керак. Тел: 47-43-51.

● Тошкент шаҳридаги 301-мактаб томонидан Юлдашев Камолддин Абдурашодовнинг номига берилган 9-синфини битирганлиги тўғрисидаги О'Р — Д № 033228 рақамли тугунома йўқотганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



**ШАНБА, 11**

23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).  
**ЎзТВ-IV**

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИС  
КҮРСАТУВЛАРИ

18.45 Курсатувлар тартиби.

18.50 «Мультмоша».

19.05 «Чинор» видеоканали:  
«Рангинкамон».

«Умид».

19.45 «Жаҳон».

20.05, 21.35 — Эълонлар.

20.10 «Морена Клара». Телесериял.

20.55 «Ҳаёт қароқчи».

21.15 «Намаста».

21.40 Кинематограф. «Туй айдо». Биринчи фильм.

23.00 Спорт-тайм.

23.30—23.40 «Хайрли тун!».

оқибати». Бадий фильм.  
23.35—23.55 «Ахборот» (рус тилида).

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ  
КУРСАТУВЛАРИ

18.45 Курсатулар тартиби.  
18.50 «Муълтимоша».  
19.05 «Ҳингоҳ».  
19.15 Муслик дақиқалар.  
19.20 «Тасвир—98».  
19.40 «Солиқ ҳақида сабақлар».  
19.55, 21.55 — Ёшлар.  
20.00 «Мухаббат тарихи». Телесериял.  
20.45 «Очик дарс».  
21.05 «Моҳир».  
21.25 Телфакт.  
21.35 Хит-коллекция.  
22.00 «Куёнок кино».  
23.20—23.30 «Хайли тун».

20.40 «Шохсула сари 85л». Спорт дастури

21.00—21.35 РДТ «Вести».

21.35 Эълонлар.

21.40 «Нишондаги полициячи». Бадий фильм.

23.20—23.40 «Ахборот» (рус тилида).

УТБ-IV

17.10—18.15 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ КУРСАТУВЛАРИ

18.45 Курсатувлар тартиби.

18.50 «Мультимоша».

19.05 Футбол, XVI Жаҳон чемпиони. Ярия фильм.

20.35 «Спорт-лото».

20.45 «Дунё ва болалар».

21.05, 23.10 — Эълонлар.

21.55 «Хукук ва бурч».  
22.15 «Мезон».  
22.30 «Автосалтанат».  
22.40 «Давлатимиз».

21.00—21.35 РДТ «Вести».

21.35 Эълонлар.

21.40 «Ишонч телефони».

21.50 Оскар совриндорлари: «Шамолларда қолган хисларим». (1940 йил) Бадий фильм. 1 серия.

23.40—24.00 «Ахборот» (рус тилида).

**УТВ-IV**  
УТВ-IV ТЕЛЕВИДЕНИЕ

18.45 Кўрсатувлар тартиби.  
18.50 «Мульттомоша».

19.05—02» тулунида.  
19.20—«Минг бир маслаҳат».  
19.30 «Ҷаҳон музейлари», «Ванго»,  
19.45, 21.25 — Эълонлар.  
20.30 «Муҳаббат тарихи». Телесернал.  
20.55 «Ҳаммаси мода ҳақида».  
20.55 «Каталог».  
21.05 Муслик Олимп.  
21.30 Киносалон.  
23.30—23.40 «Хайрли тун!».

18.45 Кўрсатувлар тартиби.

19.50 «Мульттомоша».  
19.05 «Тайзм».  
19.25 «Наволарда аён этсам».  
19.45 «Саломат бўлинг».  
20.05, 21.55 — Эълонлар.  
20.10 «Морена Клар», Телесериал.  
20.55 «Уй остонадан бошланади».  
21.25 «Дурларшан».  
21.30 Көпматрап «Севгим мененг, андурум мененг», Бадиия фильми.  
23.30 Arab эстрадаси.  
24.00—00.10 «Мунаввар тонг истаб...»

**ҮБТВ-IV**  
10.05 «Шанба эртаги».

11.15 «Бу анб дун».  
11.35—12.00 «Спектаклдан сунг».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ  
КУРСАТУВЛАРИ

18.45 Курсатувлар тартиби.  
18.50 «Мультмошоа».  
19.05 Авторейд.  
19.15 «Далил ва шарх».  
19.30 «Ракслар кинотида».  
19.55, 21.55 — Эълонлар.  
20.00 Мухаббат тарихи». Телесариял.  
20.45 «Чинсен».  
21.10 Тақдирлар.

24.00—00.10 «Хайрли тун!».

0.95 -Эртақларнинг сеҳрли олами».  
1.35 -«Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).  
1.45 Клип-антракт.  
1.55 — Эълонлар.  
2.00 Киносалон.  
4.00 Мусикуй Олимп.  
4.20 Клип-антракт.  
4.30 «Жонли сайёр».  
4.50 «Иштирок этувчилар».  
5.10 Кундузги савно.  
5.50 — 17.10 «Сенинг вақтинг».

17.10—18.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

19.05 Футбол. XVI Жаҳон чемпионати.

07.35 «Хайрли оқшом!».  
21.05, 23.05 — Ёълонлар.  
21.10 «Кобра». Телесериал.  
21.50 «Бугунги кун мавзуси».  
22.05 «Ютиб олинг ва сарф қилинг».  
22.35 «Жаҳон киноси янгиликлари».  
23.10 Киносалон.  
30.40—00.50 «Хайрли тун!».

---

**ЯҚШАНБА, 12**

07.05 «Уйгон ва қуйла».  
07.35 «Фудзияма». Спорт машқлари.  
7.50 «Хурбий касридаги солиҳ».

3.50 «Курбақа ва Эдельвейс». Қисқа мет-  
ражли фильм.

10.30 - «Еркенбай»;  
 10.55 - «Экспресс-FOOD»;  
 10.15 А. Климкин ижодий портрети.  
 11.30 - «Энци бааланар»;  
 12.00 - «Ажар». Тележурнал,  
 12.30 - «Дубль 1» - қозғалыс каскадёрлары  
 билан,  
 13.00 - «Илак йүлн». Телеэкспедиция,  
 13.30 - «Замин соқибн»;  
 13.50 - «Ютук» салоини,  
 14.20 - «Хотиралар архиви»;  
 14.45 - «Шалар: муаммолар йўқми?»;  
 15.15 - «Күп қалар Желтоқсандан бошланар»;  
 15.45 - «Гутен абенд!». Немис тақдирити  
 ұрсатуларин,  
 16.15 - «Сиябат».

17.40 «Соя билан жанг». Ерболат Олжабе-  
ев дастури.

18.00 «Шаҳр, Жанна Ахметованинг мул-  
лифлик дастури.  
18.30 «Формула 6».  
18.50 «Мусиқа карвони».  
19.00 «Олтин дала», Телеуштин.  
19.40 «Қозғистон-2030».  
19.50 «Ўқурилишбанк»: уйга вази-  
фа.  
20.25 «Меҳаник Гавриловнинг суякли аёли».  
Баддия фильм.



из:  
т шаҳри,  
ўчаси, 32